

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ ҳўжалигида, хусусан, галлачилик соҳасида амалга ошириладиган ишларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Дон ҳосилдорлигини ошириш борасидаги кенг қўламли тадбирлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

“Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси таркибида фаолият юритаётган корхоналар галламизнинг мўл-кўллиги, дастурхонимиз тўқинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар сара уруғлик тайёрлашдан то ҳосилни йиғиштириш, қабул пунктларига топширишгача бўлган жараёнда галлакорларга доимий кўмакдош.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 14 мартда қабул қилинган “Ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш, техника ва технология қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарни қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Натيجида компания таркибидagi корхоналар юқори сифатли, рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган замонавий ва илгор ускуналар билан жиҳозланмоқда. Мазкур компаниядан маълум қилишларича, ўтган йили 14 корхонада амалга оширилган модернизация ва қайта жиҳозлаш ишларида тўққиз миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган.

Янги жиҳозлар электр энергияси сарфини 15 фоизга, ёнилги-мўйлаш материаллари сарфини эса 10-12 фоизга камайтириш имконини бермоқда, — дейди компаниянинг дон махсулотлари корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва инвестиция бошқармаси бошлиғи Хайрулло Салимов. — Энг муҳими, олий навли ун ишлаб чиқариш имкониятлари янада кенгайди. Корхоналаримизда ўрнатилган замонавий линиялар

ҳисобидан махсулотларимиз рақобатбардошлиги тобора ошаётир.

“Дунё-М” акциядорлик жамиятида модернизация ва қайта жиҳозлаш ишлари тўлиқ амалга оширилиб, галла тозалаш ва арпа ёрмаси ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. “Қорақўддонмахсулотлари”да амалга оширилган технология янгиланишлар самарасида махсулот сифати янада яхшиланди. Ҳозир корхонада кунига 120 тоннагача сифатли ун ишлаб чиқарилмоқда.

Корхоналарда халқаро стандартлар сифатни бошқариш тизимини татбиқ этиш давом этмоқда. “Шўрчидонмахсулотлари” акциядорлик жамияти биринчилардан бўлиб ўз фаолиятида халқаро ИСО 9001 стандартини татбиқ этди. Дон ва дон махсулотлари сифатини ўз вақтида баҳолаш учун барча дон тайёрлаш корхоналарининг лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Махсулотлар рақобатбардошлиги ва дондан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида галлани тайёрлаш ва майдалашнинг янги услубларини жорий этиш ва тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу эса бугдўйдон янада кўпроқ, юқори навли сифатли ун олиш имконини бераётир.

Компания таркибидagi 44 корхонада аёллар ва болаларда темир моддаси танқислиги анимеясининг олдини олиш мақсадида биринчи навли ун витамин ва минералли қўшимчалар билан боғитиш ишлари амалга оширилмоқда. 2008 йилда 700 тонна бойитилган ун аҳолига етказиб берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасида қишки экстримал спорт турлари бўйича ўтказилган “Чимён — экстрим — 2009” фестивали олдидан тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган экологик лойиҳаларни тақдирот маросими ҳам ўтказилди.

Мазкур фестиваль жорий йилнинг 17-22 февраль кунлари Бўстонлик туманида жойлашган “Чимён” оромгоҳида бўлиб ўтиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари ва спортнинг экстрим тури билан шуғулланувчилар ҳамда қизиқувчи ёшлар иштирок этди.

Тадбирда фестивалнинг ижобий томонларига тўхталиб ўтилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, спортнинг ушбу турига ёшлар оммавий равишда жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Дарҳақиқат, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни турли ёт голяр таъсиридан асраш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Мазкур фестиваль ҳам шундай хайрли ишларнинг давоми дейиш мумкин. Унинг доирасида иштирокчилар экстримал спорт турларининг скейтборд, роликли коньки, тоғ велосипеди, сув сламоми, сноуборд, музга чиқиш, тоғ чангиси ва альпинизм бўйича ўзаро куч синнашилади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
“Туркистон-пресс”.

2009 йил учун
ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА.
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ГАЗЕТАСИНING ОНАКЕСИ — 2009.

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

КОРХОНА НЕГА ТЎХТАДИ? ГАП ФАҚАТ ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАРДАМИ!

Ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий ривожланишида унинг экспорт салоҳияти муҳим ўрин тутди. Хорижий давлатлар билан техник-иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш, мамлакатта чет эл сармоясини олиб кириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш масаласига мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб биринчи даражали вазифа деб қаралди.

Ҳўш, кейинги 10-15 йил давомида вилотимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Юнусхон Ёқубхонов. — Ўша йиллари экспортга асосан хом ашё жўнатилади, тайёр махсулот улushi жуда паст эди. Бугунги кунга келиб эса, вилотимиз шаҳар ва туманларида 190 та корхона бевосит

а хорижий шериклар буюртмаси бўйича махсулот ишлаб чиқармоқда. Уларнинг 56 таси чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналар. Муҳими, экспорт ҳажмида тайёр махсулот улushi ошди. 2008 йилга келиб 528,1 миллион АҚШ доллари миқдоридa рангли, 234,8 миллион доллар миқдоридa бошқа металллар, 135,06 миллион доллар миқдоридa озик-овқат махсулотлари, 127,8 миллион доллар миқдоридa минерал ўғит, машина ва асбоб-ускуналар, мева-сабзавот, ип газлама ва бошқа махсулотлар экспортга чиқарилди.

Дарҳақиқат, бугун Чирчиқ шаҳридаги “Махам-Ширчиқ”, “Чирчиқтрансформатор заводи”, “Қўйчириқ туманидаги” “Daeshin Megatek”, “Урта-чирчиқ туманидаги” “Спен

тёкс Тошкент-Тўйтепа”, Қибрай туманидаги “Агре Фейшн”, Олмаликдаги “KNOW-HOW Production Progress”, “Заркент Агроинвест” қўшма корхоналари махсулотларига дунё бозорида талаб ортиб бормоқда. Агар ҳозирги натижалар олдинги йилларга солиштирилса, фарқ аққол кўзга ташланади. 2004 йили вилот бўйича бор-йўғи 594,3 миллион АҚШ доллари миқдоридa махсулот экспорт қилинган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 1,26 миллиард АҚШ доллари тенг бўлди. Бироқ, аксарият туманларда саноятни ривожлантиришдаги сустхалик, локайдлик, ўзибўларчилик панд бермаганида бу рақам янада салмоқли бўлиши мумкин эди.

(Давоми 2-бетда).

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



БАҲОР ТАФТИ СЕЗИЛДИ

Фермер уйдан чиқиб, бир мuddат тараддулланиб турди-да, бугдўйзорни ақалаб қўшни ҳўжалик чегараси томон йўл олди. Бир неча кундан бери махсус техникада эрт-зоғурлар тозаланапти. Аяқ-зоғурли турди-да, бугдўйзорни ақалаб қўшни ҳўжалик чегараси томон йўл олди. Бир неча кундан бери махсус техникада эрт-зоғурлар тозаланапти. Аяқ-зоғурли турди-да, бугдўйзорни ақалаб қўшни ҳўжалик чегараси томон йўл олди. Бир неча кундан бери махсус техникада эрт-зоғурлар тозаланапти.

Одамларга топириқ бериб, кечагина 2 гектар ерга плёнка остига экилган эртак қарамнинг аҳолини кўздан кечирди. Илдизда қадаб қолипти. Бирорта шаллапган қўч қўринмайди. Уч-тўрт кун қўш чарақлаб берса, қолиққа келиб қолади. Биринчи ўғитни солиб, қирқма қилинса, у ёғи хавотирланмаса бўлади...

Биз Тошкент туманида иш юритаётган фермер Абдурахим Каримов билан эртак қарам ва сабази сепилган дала бошида сўхбатлашдик. Айтишича, қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ хўжалик сизидан тажрибаси катта. Аммо, фермерлик қила бошлаганида икки йил бўлди. 2006 йилда ҳўжалигини ташкил этганда 35,5 гектар ери бор эди. Бу йил 73 гектар майдонда деҳқончилик қилаяпти.

2007 йилнинг охирига келиб давлатимиз раҳбарининг қарори билан қишлоқ ҳўжалик кооперативлари (ширқатлари)ни фермер ҳўжаликларига айлантириш охирига етказилди, — деди фермер. — Шу сабаб, биз

ҳўраки нав узумлар. 4 гектар боғдан йилига мўл гилос, хурмо ва олма оляпти. 30 гектар ер сабзавот экинлари учун ажратилган. Шундан ўн гектарига бақлажон, булғор қалампир, ошқўк дегандек, турли резаворлар экилади. Бундан ташқари, 2 гектар майдонга етадиган картошка уруғини тайёрлаб қўйган. Апрель ойида 5 гектарга помидор экомқчи.

2008 йилда 36 миллион сўм умумий даромад олдиқ, — дейди фермер. — Шундан 11 миллион сўми соф фойда. Бу йил еримиз икки баравардан зиёд кенгайгани ҳисобига даромадимиз ҳам шунча ошади, албатта. Мўлжалимиз — даромад ҳисобидан битта «МТЗ — 80» чопик трактори сотиб олиш. Шу билан бирга қўшма ҳўжалик ва хайр-саховат ишларида қатнашишни ҳам қанда қилмайми.

ҲАММАГА ТААЛЛУҚЛИ ИШ

Айни пайтда республиканинг барча ҳудудларида Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ ҳўжалиги эканлигининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан махсус чора-тадбирлар белгиланиб, ташкилий ва амалий ишлар йўлга қўйилган.

Махсус режага кўра, галла экин майдонларини пайҳон қилишни олдини олиш мақсадида Ички ишлар вазирлиғи соҳавий хизматлари ва уларнинг жойлардаги тизимлари томонидан кескин чоралар қўрилмоқда. Мазкур ишлар барча вилоятларда соҳа ҳодимларининг бевосити маҳал-

ла аъзолари билан ҳамкорлигида ушқоқлик билан олиб борилмоқда. Бунинг учун 4 минг 607 нафар ички ишлар ҳодимлари, 5 минг 27 нафар маҳалла поёсонлари ва 16 минг 731 нафар дала қоруволари жалб қилинган. Ботир МУСУРМОНОВ, “Туркистон-пресс”.

Инсоният келажигига хавф солиб турган ОИВ/ОИТС касаллиги, афсуски, бизнинг мамлакатимизга ҳам таҳдид солаётгани ҳар биримиздан ҳўшёр, сергак ва оғоҳ бўлишни талаб этади. Бу касалликни келтириб чиқарувчи энг асо-

сий сабаблардан бири ахлоқсизликдир. Динимизда зино гуноҳи қабиралардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Зинога ақиллашманлар! Чўнки у бузуқлик ва ёмон йўлдир” (Ал-Исро, 32).

ҲАЁ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Зинкор бу гуноҳи орқали турли касаллик ва маломатларга, охирагда эса аламли азобага дучор бўлади. Узининг жуфти ҳалоли унга ишониб, садоқат кўрсатса-ю, вафо билан жавоб қайтармаса, бу оилага хиёнатдир. Жирканч ишга қўл урган ота-она сабабли майиб-мажруҳ, ногирон фарзандлар туғилиб, умрининг охиригача азоб билан ҳаёт кечираётгани ачинарлидир.

Бу касалликка олиб борувчи иллатлардан яна бири гиёҳвандликдир. Гиёҳвандлик балоси ер юзи бўйлаб кенг тарқалмоқда. Бу разолат манбаи саналми афюли гиёҳлар “лаззати”га берилиш тобора илдиш отиб бораётгани ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиғи керак. Ислам динида одамнинг

ақлини оздирувчи, ҳўшини кетказувчи нарсалар, шу жумладан, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш қораланади. Гиёҳвандликнинг ҳаромлиги далолат қилувчи бир қанча оят ва ҳадислар мавжуд. Аллоҳ таоло: “...Ўз кўларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташлармангиз!...” (Бақара, 195), бошқа бир оятда эса: “Уларнингизни ўзларингиз ўлдирмангиз...” — деган (Нисо, 29). Гиёҳванд охири ўлимга олиб келадиган нарсаларни истеъмол қилиш билан ўз жонига ўзи қасд қилган бўлади. Гиёҳвандликнинг зарарлари беҳисобдир. Гиёҳвандлик моддаларига сарф этиладиган ҳарajatлар шахсга ҳам, жамиятга ҳам беихоҳия катта иқтисодий зарар кел-

Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.
ЎЗА.

Ўзбекистон кўмир саноати ходимлари 2009 йилни қувончли натижа билан қутиб олдилар. Кейинги бир неча йил давомида биринчи марта

уч миллион тонна кўмир қазиб олишга эришилди. Бунда мамлакатимиздаги энг йирик кон – Ангрен кўмир ҳавзаси жамоасининг ҳиссаси катта.

РАҒБАТ БОР ЖОЙДА ИНТИЛИШ БОР

КОНЧИЛАР СУЛОЛАЛАРИ

Кўмир ҳавзаси Жигаристон кўрғонига жойлашган. Тўғрироғи, ана шу кўрғон орқали конга борилади. Тошкент – Ўш йўлидан юрвучилар пастда ястаниб ётган улкан кўмир конига ҳайрат билан тикилиб ўтадилар. Ҳа, у мамлакатимиздаги энг йирик кон, ўзига хос мураккаб ва маҳобатли муҳандислик иншооти.

Идорада бизни кон раҳбари ўринбосари Махмуд Мирзабоев ва касаба уюшма кўмитаси раиси Раҳматилла Тожиев илик қутиб олишди.

– Мен бу ерга ишга келганимда йилига 2 миллион тонна атрофида кўмир қазиб олинарди, – деб суҳбатни бошлади Р. Тожиев. – Ҳар йили режани ортиги билан бажариб келаямиз. Бу гал ҳам шундай.

Суҳбатдошимизнинг гап-сўзларига қараб табиятан қончи бўлиб туғилган, дейсиз. Дарҳақиқат, у Жигаристон кўрғонига қончи оиласида дунёга келди. Падали бузруқвори Холбой ота кўп йиллар қонда ишлаган. Ойлада кўпчилик ота изидан борди. Раҳматилла 1976 йилда кўмир саноатига қараши автокорхонада иш бошлаган. Тошкент Политехника институтини тугатган, “БелАЗ” автокорхонасида механик, автокорхона бошлиғи ўринбосари, автокорхона бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатди. 1992 йилда кўмир ҳавзасига ишга ўтди. Кон устаси, участка бошлиғи ўринбосари лавозимига меҳнат қилди. 2002 йилдан буён касаба уюшма кўмитаси раиси. Ойлада қончилар кўп. Акиси Абдусамат Тожиев қирқ икки йилдирки, нафақа ёшидалигига қарамай, ҳамон ота касбини ардоқлаб келади. Раҳматилла Тожиевнинг ўғли ҳам шу соҳани танлаган, ҳозир кон устаси бўлиб ишлапти.

– Жамоамизда бир ярим минг ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар орасида қончилик касбини эъзолаб, давом эттириб келаятиган оилавий сулолалар жуда кўп, – сўзида давом этди дейди Р. Тожиев. – Шераловлар оилавий сулоласи энг донгдорлардан. Марҳум Мираҳмад Шералов кўмир саноати ривожига энг кўп ҳисса қўшди. Ҳозир шу машур қончининг ишини Раҳматилла, Исматулла, Хабибулла, Абдулла сингари жами етти фарзанди шараф билан давом этти-

рапти. Абдуқодировлар, Абдусатторовлар, Қосимовлар, Шароповлар, Қўзиёвлар оилавий сулолалари ҳақида ҳам шундай илик гаплар айтишми келади. Уларнинг фидокорона меҳнати, касбига садоқати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Мустақилликнинг 17 йиллик байрами муносабати билан кон экскаватор машинисти Туроб Умиров “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими” юксак унвонига сазовор бўлди. Бу мукофот кўмир ҳавзаси жамоасининг фидокорона меҳнатига берилган катта баҳо бўлиб, жамоага кўтаринки руҳ бағишлади.

Жамоада сидқидилдан меҳнат қилиб келаятиган тажрибали қончилар жуда кўп. Касаба уюшма кўмитаси раиси бош механик Баҳодир Бойменов, бош электрик Арслонбек Хожиматов, участка бошлиқлари Фарход Абдурахмонов, Илҳомжон Холмирзаев, Умарали Эрқаев, Маматали Йўлдошев, смена бошлиғи Зоиржон Абдурахмонов номларини мамнуният билан тилга олди. Бу беҳиз эмас. Кўп ишни ўз касбини яхши биладиган мутахассис кадрлар ҳал қилади. Қонда бундай мутахассислар етарли экани бу жамоа эришадиган меҳнат ютуқларининг қаттаси ҳали олдиндагидан далолат беради.

ЮТУҚЛАР СИРИ НИМАДА?

– Кўмир саноатини ривожлантириш масаласи ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида турибди. “Ўзбеккўмир” очиқ акциядорлик жамияти раҳбариятининг тизимга оқиллона ёндошиши, кўмир ҳавзамиз директори Юсиф Боднарнинг талабчилиги қончиларимизнинг фидокорона меҳнати ютуқларимизга замин яратмоқда, – дейди Раҳматилла Тожиев.

Дарҳақиқат, очиқ усулда кўмир қазиб олиш ўзига яраша машаққатли иш. Тасаввур қилинг: баландлик денгиз сатҳидан 1 минг 200 метр, боз устига икки тоғ ўртасидаги жўрғофий ноқуллайлик. Кўмир ҳавзасининг узунлиги тўрт ярим, кенлиги уч ярим километр. Ёқилги тахминан 200 метр чуқурликдан қазиб олинади. Ҳисобикитобларга қараганда, бир тонна кўмир учун 12 тонна тоғ жинсини ўрнидан силжитиш, бошқа бўш жойга олиб бориб тўқийша тўғри келади. 2004 йилда немис мутахассислари билан бир-

галикда ротор мажмуаси қуриб ишга туширилганини ҳисобга олганда кон техника парки анча эскириб қолган. Айтишларича, экскаваторларнинг охириги 1992 йилда, яъни ўн олти йил аввал келтирилган. Кон жамоаси ана шундай шароитда ҳам вазиятдан чиқиб, истеъмолчиларга режада белгиланган ёқилгини вақтида жўнатишга муваффақ бўлаётгани диққатга сазовордир.

ИЖТИМОЙ- ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Бу масала ҳам кўмир саноати раҳбариятининг доимий диққат марказида турибди. “Ўзбеккўмир” ОАЖ бошқаруви ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан қончиларга зарур меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб берилмоқда. Бу ҳақда қончиларнинг ўзларидан эшитдик. Айниқса, жамият раҳбари Ҳамроқул Хурсанов ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Абдуносир Қаюмовнинг жамоага кўрсатилган ҳамғўрликларидан барча ишчи-хизматчилар мамнун.

Санасак, бунга мисоллар кўп. Масалан, қондан ишни тугатиб чиққанда, ювиниб олиш муаммо эди. Энди иссиқ сув масаласи ҳал бўлди. Ишчилар ҳаммоми таъмирланиб, ишга туширилди. Шунингдек, нафақадаги 600 қончи имтиёзли нархларда кўмир билан таъминланди. “Ўзбеккўмир” ОАЖ раҳбарияти кўмир саноати корхоналари ишчи-хизматчиларини кўмир билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал этгани жуда катта иш бўлди. Зеро, ўзинг қазиб чиқарган кўмирдан ўзинг баҳраманд бўлмасанг, бундан ёмони йўқ. Яна бир муҳим жиҳат, қончиларга сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш мунтазам йўлга қўйилди.

Қонда ҳар қандай байрам ўзига хос нишонланади. Бу ерда ошхона ва чойхона ишлаб турибди. Қончиларни иш қоржомаси билан таъминлаш ҳам яхшиланди. Ҳозир махсус иш кийимлари етарлича жамғариб қўйилган. Қончилардан кимда-ким бир санаторий ёки профилакторийда саломатлигини тикламоқчи бўлса, уларнинг бу истаги бажо келтирилади. Бу йил бирлашган касаба уюшма кўмитаси ёрдами билан кўмир ҳавзасининг қирқ нафар ходими “Зомин” санаторийида дам олиб қайтди.

Неъмат ДУШАЕВ.

СУВДАН ОҚИЛОНА ҲОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Мамлакатимизда умумий Ҳойдаланишда сувнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги экинлари учун сарфланади. Шу боис экинларни сугориш жараёнида сувни тежаш ва ундан оқиллона Ҳойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

“Ўзгидромет” марказидан хабар қилишларича, 2009 йилнинг ёзги сугориш мавсумида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида ҳамда ички дарёларда сув ресурслари меъёридан камроқ бўлиши кутулмоқда. Бу эса сувга бўлган талаб ва сув таъминоти даражасини чуқур таҳлил қилишни, ундан янада тежамкорлик билан Ҳойдаланишни талаб этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ўтган сув ресурслари

рени ҳисобга олиш, оқиллона бошқариш ва самарали Ҳойдаланишни ташкил этишга бағишланган йўғилишда шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда сувдан Ҳойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, сувни тежайдиган техника, технология ва илгор тажрибаларни омаллаштиришга доир маърузалар тингланган ва муҳокама қилинди.

Ў.А.

ОНА ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида ёш мусаввир Дилором Мамедова асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Д. Мамедова юртимизда ўтказилган қатор бадиий кўргазмалар, иккунчи кўрик-танловлар, фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан ўтказилган “Навқирон Ўзбекистон – 2008” анъанавий ва замонавий тасвирий санъат фестивалида совринли ўринни эгаллади.

Бугунги кунда Д. Мамедованинг асарлари Россия, Германия, Туркия, Япония, Швейцария, Ҳиндистон, Австрия каби давлатлардаги шахсий тўпламларда сақ-

ланмоқда. Миллий урф-одатлар ва анъаналаримиз, умрбоқий қадриятларимиз, бетакрор меъморий обидалар, тарихий шаҳарларимиз, она-табиатимиз манзаралари расом ижодида устувор ўрин тутди.

Мазкур бадиий кўргазмада расомнинг юздан ортиқ ана шундай асари намойиш этилмоқда. “Анор”, “Кўёшли ховли”, “Тонг”, “Нурота”, “Тоғдаги сой” каби картиналар томошабиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Назokat УСМОНОВА,
Ў.А. муҳбири.

Тарадау



Қишлоқ мулкдорларининг айна дамлардаги энг муҳим вазифаларидан бири – баҳорги экин-тикин мавсумига муносиб тадбир кўришдан иборат. Ҳозир қайси хўжаликка борманг, деҳқонлар қўқламдаги дала ишларини аллақачон бошлаб юборганларига гувоҳ бўласиз.

ҲОЗИРЛИК СОЗ – МАШАҚҚАТ ОЗ

Бўка туманидаги “Фахрузбек Бунёд ўғли” фермер хўжалиги деҳқонлари тўрт йилдирки, асосий экинлар – пахта ва галладан юқори ҳосилдорликка эришиб келишяпти. Ҳозир хўжалик тасарруфидоги экин майдонлари 65 гектарга етди. Унинг 31 гектарига галланинг “Плавчанка” нави парваришланапти. Фермер Баҳром Раҳмонкуловнинг айтишича, ямғири галла майсалари қишдан соғлом ва бақувват ҳолда чиқаяпти. Насиб қилса, бемалол 55-56 центнердан ҳосил олинади.

– Ҳозир қилаётган ҳар бир ҳаракатимиз мавсумда ўзимизга қулайлик туғдиради, – дейди хўжалик аъзоси Туроб Ғаниев. – Шунинг учун ички ва ташқи ариқ-зовурларни обдон тозалаямиз. Майдонларни турли экин қолдиқларидан



тозалаб, махсус хандақларга маҳаллий ўғит жамғараямиз. Ҳозиргача салкам 6 километрик ариқ-зовурларни тартибга келтирдик. Галламизни пайхон қилишдан сақлаш мақсадида 1,5 километр узунликдаги хавфли худудларни четан билан урадик.

Хўжалик деҳқонларининг яна бир мақсади пилла етиштиришдаги эҳтиёжлари учун тутзор ташкил этишдир. Ҳозир керакли ер танланиб, экиш олдидан тайёрланапти.

СУРАТЛАРДА: туман фермерлар уюшмаси раиси Абдухалим Нишонов, муқобил МТП раиси Шохидда Азизова хўжалик аъзоларига зарур кўрсатмалар бермоқда; ариқ-зовурларни тозалаш пайти.

Даврон АХМАД
олган суратлар.

ОФАТНИ ЖИЛОВАБ БЎЛМАЯПТИ

Австралия жанубидаги ўрмонзорлардан чиққан кўчи ённинг оқибатида бир юз ўттиз киши ҳаётдан кўз юмди. Қабарларга қараганда, фалокат етти юз элликка яқин тураржой биносининг қулини кўкка соворган. Виктория штатида факулда ҳолат эълон қилинган. Беш мингдан зиёд одам хавфсиз ерларга қўчирилган. Табиий офатдан зарар кўрган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилаётди.

Австралия қўтқарув хизмати вакилининг айтишича, ённинг бартараф этиш учун мингга яқин гуруҳлар жалб этилган. Шунга қарамай, уни жиловланиннинг имкони бўлмапти.

МИСРДА ПАРРАНДА ГРИППИ

Мисрда парранда гриппи билан зарарланганлар сони эллик беш нафарга етди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига қўра, парранда гриппи вирусини юқтирганларнинг аксариятини болалар ва 30 ёшгача бўлган аёллар ташкил қилади.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, Миср парранда гриппи билан зарарланганлар сони бўйича Индонезия ва Вьетнамдан сўнг учинчи ўринда туради. Бундай ноҳус ҳолат унинг жўрғофий жойлашуви билан боғлиқ – мавсум ўзгаришдан кўп қушлар эрксиз ўлкаси орқали учиб ўтади.

Л. СУВОНОВ,
Ў.А. муҳбири.

01 огоҳлантиради

ЁНҒИН ЛОҚАЙДЛИКДАН ЧИҚАДИ

Қиш фасли барчамиздан ёнғинга қарши ҳушёрликни талаб этади. Шу сабаб, милиция профилактика нозирлари газлаштириш корхоналари ходимлари билан ҳамкорликда газ асос-ускуналаридан чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқда.

Бу масалада тарбиот-ташвиқот ишларининг аҳамияти, айниқса, катта. Маҳаллаларда, корхона ва уй-жойлардан Ҳойдаланиш бошқармаларида, мактаб ва ўқув юртларида ўрашувлар ўтказилиб, аҳолига эслатмалар тарқатилмоқда.

Лекин доимий огоҳлантиришлар, тинимсиз тушуниришларга қарамай, айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги туфайли катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказяётган ёнғинлар содир бўлмоқда.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилнинг декабрь ойида виллоятимизда содир бўлган 1849 та ёнғиннинг 1410 таси фуқароларнинг тураржойларига тўғри келиб, 95 киши турли даражада тан жароҳати олди. Фақатгина одамларнинг лоқайдлиги, беларволиги, яшаш тарзининг олди тамойилларига амал қилмасликлари туфайли содир бўлмоқда.

Чиноз тумани, Олмазор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 28-уйда истикомат қилувчи фуқаро Р. Мустафоевнинг уйида печь мўри-

сининг носозлиги сабабли ёнғин чиқиб, уй шифти ёнган. Бўка тумани, Ҳамза кўчасида яшовчи 18-уй соҳиб киздирилайтган ёнғин каровсиз қолдириши оқибатида ёнғин чиққан. Шунингдек, Янгийўл шаҳар, Эрматов кўчаси, 49-уйда истикомат қилувчи фуқаро Л. Қувшиновнинг лоқайдлиги сабабли газ плитаси ёнғин ҳолда каровсиз қолган. Натижада ўт чиқиб, ошхона томи ва шифти ёнган.

Халқимиз мулкини, инсонлар ҳаётини ёнғиндан асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни кўриш, давлат ёнғин назорати идоралари ходимлари томонидан аниқланган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозим.

Ўт балосидан жабр чекмаслик учун ҳамisha хушёр бўлмоқ, хавфсизлик қонун-қондаларига доимо амал қилмоқ даркор.

Барно СОДИҚОВА,
виллоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси нозир.

СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтириши рағбатлантириши кўчатириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан жойларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳужжат аграр соҳадаги ислохотларни янада ривожлантириш, қишлоқ жойларида аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. – Мамлакатимиз раҳбарининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент виллоятида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Малика Сатторова. – Айни пайтда вилло-

ятда жами 170 зооветеринария хизмати кўрсатиш шохбосчаси фаолият юритмоқда. Ўтган йили саккизта зооветеринария шохбосчаси қурилиб Ҳойдаланишга топширилди. Виллоят фермер хўжалиқларига четдан жами икки минг бошга яқин қорамол келтирилди. Шунингдек, эпизоотияга қарши профилактика режа ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Оққўрғон туманида 33 минг бошдан ортиқ чорва

моллари парваришланмоқда. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари сони 27 тага етди. Уларнинг қарамогида уч минг бошга яқин насли моллар боқилмоқда. Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш борасида яратиб берилаётган шарт-шароитлар натижада гўш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда.

Л. СУВОНОВ,
Ў.А. муҳбири.

Диққат, тендер!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси томонидан 2009 йил 12 март куни соат 16.00 да очик тендер ўтказилади

1. Битта пакет билан:
ВХ-501 “Қибрай АШБ – Мой қишлоғи”
ВХ-502 “Қибрай АШБ – Белоножко АШБ (Қипчоқ орқали)”
ВХ-521 “Чирчиқ АББ – Қибрай АШБ (Байтқўрғон орқали)”
ВХ-523 “10-кичик ноҳия – Мой қишлоғи – Машинасозлар АШБ”
2. Битта пакет билан:
ВХ-255 “Зафар АЧСБ – Бекобод АББ – Навоий ф/у”
ВХ-254 “Бекобод АББ – Галаба ф/у”
ВХ-251 “Бекобод АББ – Тошкент АББ (Бекобод томондан)”
ВХ-252 “Бекобод АББ – Ангрен АШБ (Бекобод томондан)”
3. Битта пакет билан:
ВХ-444 “Қўйлиқ АШБ – А. Навоий ф/у”
ВХ-430 “Қўйлиқ АШБ – Ким Пен Ха ф/у”
ВХ-426 “Қўйлиқ АШБ – Ўртасарой-Тўйтепа АББ”
4. ВХ-554 й.т. “Сойлиқ қишлоғи – Туркистон савдо маркази”
5. ВХ-548 “Чиноз шаҳри – Олмазор кўрғони”
6. ВХ-588 “Олмазор кўрғони – С. Раҳимов м.б.”
7. ВХ-590 “Кичик ноҳия – Пахта заводи”
8. ВХ-203 “Луб завод – Қўйлиқ АШБ”



Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-виллоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юртувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси 4/88-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент виллояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига “Ўзсаноатқурилиш Банк” (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХТТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдоридан пул ўтказиб, 2009 йил 7 мартгача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси тендер тақлифларини 2009 йил 11 март соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароунахр кўчаси, 17-уй. Виллоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Матбуот анжумани

1999 йил 1 февраль... Бу кун ўзбек кураши тарихида муҳим саҳифа очилди десак муболаға бўлмайди. Айнан шу кун Республика Президенти «Халқаро Кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди».



Ушбу фармон қабул қилинганлиги 10 йил тўлиши муносабати билан Халқаро Кураш ассоциациясида матбуот анжумани ташкил этилди.

ФАХР ВА ИФТИХОР ТИМСОЛИ

Иштирокчилар таъқидлаганидек, Халқаро Кураш ассоциацияси (ИКА) айнан кураш қўрали ўтмиш аждодларимиз қандай қудрат соҳиби бўлганликларини, шунинг билан бирга ҳозирги авлоднинг қандай истеъдодга эга эканлигини дунё ахлига намойиш этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдди. Бугунги кунда ассоциациянинг 5 қитъадаги 120 га яқин давлатда кураш федерациялари ташкил этилиб, изчил фаолият олиб бормоқ-

да. Шунингдек, 150 мамлакат билан маданий алоқалар ўрнатилгани, курашимизнинг Осиё ўйинларидан расмий жой олгани, Африка ва Пан-Америка ўйинларида иштирок этаётгани ҳамда кўргазмалли мусобақалар ўтказилаётгани миллий спорт туризмига жаҳон ҳам-жамияти эътибори юксалишидан далolat бериб турибди. Бундан ташқари, беш марта ёшлар ўртасида ва олти марта катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари

юқори савияда ўтказилганлиги ҳам олимпиада сари дадил қадам ташланаётганидан далolat бериб турибди. Эришилаётган ютуқларда, қўлга киритилаётган натижаларда Юртбошимиз фармони ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани шубҳасиз. Матбуот анжуманида ассоциациянинг 2009 йилги мусобақалари тақвими ҳамда уларни ўтказиш бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Феруза Тўраева.

ГЛЕБ ЗАХАРОВНИНГ ИККИ ГАЛАБАСИ

Францияда теннис бўйича эркаклар ўртасидаги «Фьючерс» халқаро турнирининг саралаш бешлашувлари бошланди. Асосий турга бериладиган йўланмалардан бирини қўлга киритиш учун курашаётган 22 ёшли теннисчимиз Глеб Захаров кетма-кет икки учрашувда зафар қучди.



Диган ҳал қилувчи учрашувда яна бир швейцариялик теннисчи Дилан Сессагесини билан беллашди. Зоҳир ТОШХУҲАЕВ, Ўза муҳбири.

Дастлабки баҳсда ҳамюртимизга қарши қорғат чикқан нидерландиялик Рой Брюггелинг биринчи сетда 1:6 ҳисобида имкониятни бой бергач, бешлашувни давом эттиролмаслигини билдириб, Ўзбекистонлик теннисчининг галабасини

тан олди. Кейинги бешлашувда Глеб швейцариялик Мэтью Жонат билан куч синашиб, рақибини 2:6, 6:3, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳамюртимиз асосий тур йўланмаси учун ўтказила-

нагандек, ўзига келолмай юради. Конбосими ошиб, юрагини ҳовучлаб ўлганлар қанча унинг дастидан... Ҳа ўлим, намунча, бирор жойга ўт кетдики, хаёлимни бўлдири. Ану ҳамтовогингиз, э, вой, кечиринг, қаламаш дўстингиз бор-у, ўша келибди, чақиртирганимизми? Ҳа, ўшунга, ўшунга, ўшунга келибди, айт, қирсин, унда гапим бор. Нима, яна гийбатми, дада? Қўйинг, энди шу одатингизни. Сизни деб, кўчада бош кўтаролмай колдик-ку?! Дўстингиз ҳам ўзингизга

Дунёда ҳар бир ишининг ибтидося интихоси бўлади. Қизғин, ўша ибтидо ўз интихосини кўришдан маҳрум. Чунки, бири келгач, иккинчисининг умри тугаб бўлар экан-да... Ушбу ёзилмаган қонунни ўзича кашф этган Солиной ҳам дераза ёнида умр дафтарининг сўнги варақларига тикилиб ўтирар экан, ўтган кунларининг сарҳисоби бошини ҳам, вужудини қараб қилиб қўйган эди. Болалиги олис қишлоқларнинг бирини, тоғу тошларда ўтса-да, отасининг: «Сен катта одам бўлишинг керак» деган ниётларини амалга оширай деб, катта шахарнинг қўқ ўртасидаги қўқ қаватли уйлاردан бирини эгаллаб, «шу шахарнинг қўқ асирман» дея ҳеч кимга гап бермай юрган ҳам шу Солиной эди. Бугун эса ўша беғубор болалигини, соддагина қишлоқдошларини, эрталабдан уйку бермай, сайрайдиган қушлару сув сепилган тупроқ кучасининг ҳузурбахш исларини соғиниб, кўмсаб ўтирибди. Борай дес, кўзидан нур, оёғида мадор йўқ...



ДАРДИСАР (Ҳажвия)

Ана, катта кўча юзига бир машина келиб тўхтади. Ундан икки қор билан тушган амалдор ён-атрофдагиларни гўё пайқамгандек ўтиб бормоқда. Оббо, димогини қаранг бу одамнинг, - ўйлади у. - Яқиндагина ётудинг жарроҳлик столида жонингни ҳовучлаб, «Э, ҳақ, ўзинг асра!» деб. Ортиқча ичганинги олиб ташламаганимда, Худо билди, ҳозир қаерларда учиб юрган бўлардинг... Ие, анови ким бўлди, қадам олиши жуфта таниш. Ҳа, эсладим, эсладим. Елкасига чиққан чипқондан кутқаринг, деб дод солиб келувдимми?! Энди мени эсламайди. Кўздек қўшини-ю, кўрмаганга олиб кетаверди. Нима эмиш, нарқозсиз операция қилган эмишман. Нима бўпти, бинойидек юрибсан, елкандан тоғинг тушиб, э, ношукр... Вой, вой, анавини қаранг, жуда пўрим бўлиб кетибдими? Э, шляпангдан ўргилдинг. Ушунда, синган оёғини «нотўғри гипсланди» деб айюханнос солувди. Бинойидек, юғриб юрибди-ку? Тўғриси яйтсам, ажаб қилганман, ўзича ҳеч кимни назар-писанд қилмасди. Ҳалиям шу, отдан тушсам, эгардан тушмайди, ҳе, иккинчи оёғинг ҳам синиб... Э, дада, ўзингизча нималарни гапириб ўтирибсиз? - катта ўғил хаёлини бўлмаганида, яна кўпларнинг гўрига гишт қалаши турган гап эди Солинойнинг. Узи дурустгина жарроҳу, айрим хурмача қилиларди, ичқоралиги, захархандалиги тўғайли бир учраган одам, кейинги сафар четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Бир қаламаш дўсти бор, «заказной» хангомаларни қотарадиган, ушунга айтса, тамом. Тагдор жумлаларини қалаштириб, шундай боппайди-ки, уни ўқиган одам худди қалампир чай-

ўшаб тирноқ тагидан кир қидиради-ганлар хилидан. «Менга салом бермадинг» деб фельетон қилмоқчи! - Сени-я! Қани, ёзиб кўрсин-чи. Қўлини синдираман. Қўй, сен хафа бўлма. Бор, чақир. - Ассалому алайкум, қасосб ака, э йўқ, жарроҳ дўстинг, қалайсиз? Зерикмай ўтирибсизми? - Раҳмат. Кел, ўтир. Намунча, келмасингиз сасийсан, тинчликми? Яна қаерингга чиққон қилди? - Шу ўнг қўлим лўқиллаб оғриб турибди. Бунақада ёзолмай қолману, бир давоси бўлса айтинг, деб келдим. Ахир, анчадан бери қалин дўстимиз. Ёрдам беринг. - Қани, бир кўрай. Оббо, иш чаток-ку! Ростдан ҳам ёзолмай қолсану-а? Йўқ, ҳали менга кўп кераксан. Шунинг учун бир давосини айтмай. Уша ўнг қўлингга ўнча чаён, тўртта илоннинг ёғини қўшиб сурасан. Бир-икки кун шамолламай турсан. Қарабсанки, отдай бўлиб кетасан. - Э, йўғ-е, нима деярсиз? Ахир, қўлим қуйиб, узилиб тушади-ку, бунақада.

Ҳеч нарса қилмайди. Захарни захар кесади. Бор, айтганимни қил. Фақат олдин бир иш қилсан. Анови таннос қўшини бор-у, қариса ҳам ула-элик чаплагини қўймайди. Ушунинг бир хурлиқ қизи бор. Ўғлимга сўратсам, «ғийбатчига берадиган қизим йўқ» дебди. Ушани бир боппа қерак. - Яна ивгоми? - Ҳа-да, бунчи ҳам эпланган қилади. Сен эса бунақа ишларда устаси фарангсан. Шундай қилгинки, эшигига совчи зоти йўламай қўйсин. - Э-э, ўларидан ўтиб, биз нима ҳам қила олардик. Буорсинлар, нима деб ёзай? - Ўзинг бил-да, энди. Ё онасини, ё қизини қимгадир уйнаш қилиб, битта гийбатчи думалатиб юбор. - Э, қўйинг, ҳозир думалоқ хатга ҳам, миш-мишга ҳам ишонмай қўйишган. Кейин ўзимниям ҳеч қаерга йўлатишмайди. - Нима қилпти, барибир эртаиндин умуман ёзолмай қолсан, ётиб қолгунча... - Менга ўшаб уйда ўтириб қолгунингча, одамларнинг ошига оғу солиб тур, демоқ-чисида, а? - Ҳа, балли. Тушунганининг садағаси кетсанг арзийди. Шу қўшини ҳам юрагини чангалласа, қизи бизга қолади, тушундингми? - Энди, тўғриси яйтсам, сизда инсоф қолмапти. Ким айтади сизни Гиппократ қасамини ичган деб. Одамларга фақат ёмонлик тилайсиз, дўзах ўтидан қўрмайсизми? - Э, сенга нима? Ўзинг-чи, ўзинг, фариштамсан? Менинг айтганимни қилиб, қанча-қанча одамларни лойга қордиринг. Энди дўстинг, дўзахга ҳам бизни кўрибсизми, йўқми, Яратганининг ўзи билди. Бор, йўлингдан қолма. Кўп ўтмай, унинг дўсти ўнг қўлидан айрилиб, хомуш кириб келди. Бундан Солинойнинг юзига қон тепили, аламзада қаламашнинг суларидан кейин бу хурсандчиликдан асар ҳам қолмади. - Энди сизга бир янгликни айтмасам, ёрилиб кетаман. Шу хабарни етказай деб, атайин келдим. Таннос қўшинингизнинг нафдан тарқатган ивголарини уст берадиди, дўстим. Қайтанга, қизига келаятган совчилар қўлайиб кетганидан биттасига розилик беришиб, тўйини бошлаб юборишпти. Шу десангиз, бугун пастдаги катта тўйхонада ош беришди. Уша ёқдан келаялман. Айтишларига қараганда куёв бўлмиш катта дўхтир экан... У сўзини тугатар-тугатмас, Солинойнинг кўзи ола-қула бўлиб, тили айланмай қолди. Енидаги хассасига қўл чўзган заҳоти дўсти сексин сирғалиб, кўчага йўл олди... Сайёра РИХСИЕВА.

ШАХМАТЧИМИЗ ШОҲСУПАДА

Республика шахмат-шашка клубида ўн ҳамда ўн олти ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилиги якунланди.

Мусобақада вилоят шарафини ҳимоя қилган шахматчилардан энг яхши натижани ўн олти ёшгача бўлган қизлар баҳсида қатнашган Жаннат Собирова қайд этди. Умидли шахматчи тўққизинчи турда мусобақа пешқадами Гурлұх Тохиржонов (Фаргона) билан дуранг ўйнаб, биринчилик давомида чемпиондан очко олган ягона спортчи бўлди. Ж. Собирова ўтказилган тўққизта учрашувда

шар Бўронов ҳам бештадан очко жамғарди. Ўн ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида Темура Имомов тўққизинчи турда сурхондарёлик Хусан Раҳмоновни енгиб, етмишдан зиёд шахматчи орасида ўн тўртинчи погонани эгаллади. Улугбек Абдусатторов эса беш ярим очко жамғариб, кучли йигирмалikka кирди. Қизлар баҳсида вилоят шарафини ҳимоя қилган Алёна Қулимова қаққадарёлик Холида Намозовани енгиб, кучли еттиликдан жой олди.



Боҳир БЕК.

Одамийлик шеваси

Дунёда қанча одам яшаётган бўлса, шунча фелъ-автор бор, деганлари рост. Чой ичиб ўтирганимизда, неварам айтиб қолди: - Дода, ўроғимиз топилди, лекин опоқим қайтариб бермадилар. - Қайси опоқинг? - Ҳовлимизнинг этагидаги қўшинимиз-чи, ўша. - Э, аттанг, чакки қилибсан, болам. Улардан нарсасураманлар дегандим-ку. - Сўрамадим, моллари ечилиб кетган экан, тутиб боғлашор деб ўзлари чақирдилар. Ушунда оғилларда ўроғимизни қўриб қолди, «вой, биззи ўроқ-ку» дейишим билан қўлимдан юлиб олиб: «Бекорларни айтибсан, зумраша» деб уриша кетдилар. Бола-да, барини айтади. Бу гап бошқа бир қўшинини эслатди. Раҳматли аждоғим йигит эди. Афсус, умри қисқа экан. Қишлоғимизда дардга қалган бемор бор-ки, унинг нафи тегиб турарди. Йўқ, ердаги дориларни ҳам бир-икки кундан кечиктирмай, топи берарди. Бир кун онам раҳматли кўзлари хиралашиб бораётганидан шикоят қилиб қолдилар. У пайтда маҳалламизда фақат бир кишида машина бор эди. Ҳамма учун «одамови» бўлган бу ҳаммаҳалламнинг мен билан муомаласи яхши эди, илтимосини ҳеч қайтармасди. Бу сафар ҳам

қолмаган. Аммо, хира бўлса ҳам қўраётган ўнг қўзларига қувват бериб туриш мумкин. АТФ деган дори бор, немисларники. Жуда қўли. Қўнига бир таблеткадан ичиб юрсалар, қўзларига қувват бўлади, яна икки-уч йил ўзлари юрадилар. Бугунги ҳам айтиб қўйай, АТФ анча танқис, ҳаммага ҳам топилавермайди. Дўхтирнинг бу гапидан

АТФ экан, Германиядан келтирилган. - Бўлди, ака, эртагаёқ ўзим олиб кириб бераман. Ақсига олиб ўша кунни, ишдан кеч қайтдим. Қўшим дорини бериб, пулини олмай кетибди. Кеч бўлганда безовта қилмай, деб эртасига эрталаб чақириб кирдим. - АТФ учун раҳмат, қўшини, Пули қанча бўлади? - Шунча вақт ён қўшни - жон қўшни бўлиб, атиги бир мартагина ёрдамим тегибди, мени уялтирмаг, хафа бўлмаман, ака. - Пулини олмасангиз, мен ҳам хафа бўлман, дорингизни қайтариб бераман. - Билудим шунча қилишингизни. Бу дори танқисроқ бўлгани билан ўзи арзиманган пул туради. - Пули арзимаса ҳам сиздек қўшини тўғайли вақтида топилиб туришини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Одам одам билан тирки, деганлар... Қаранг, неварамнинг йўқолган ўроғи сабаб шунча гаплар, хаёлимдан ўтди. Ўроқни «ўзлаштириб» олган ҳам, қачон машинасига ишим тушса, йўқ демайдиган маҳалладошим ҳам, дорини қанда қилмай, етказиб турган ҳам - қўшини. Ҳа, хаёт деганлари шу эканда, бирни қуриб фикр, мингни қуриб шукр қиларкан киши. Самад Йўлдош.

КЎЗГА НУР

- Сиз кампирнинг кими бўласиз? - Уйилари бўламан. - Йўғ-е, кампир саксондан ошганлар-ку? - Ҳа, кенжа фарзандлариман. - Шундай денг, - деди дўхтир ва бироз тараддуллангач, тушунтирди, - бўлмаса, гап бундай. Кампирнинг чап қўзларидан нур тугаган. Ўнг қўзларининг нури ҳам тугаб бораётган... - Жарроҳлик... - Шошманг, яншилаб тушуни олинг. Анангизнинг қўзларидан парда йўқ. Кўп ўқиган эканлар, гаваҳ заифлашган, тиклашнинг имкони

чўчимадим. Қўшим бор экан, АТФнинг ташвишини қилмасам ҳам бўлади. Уйга қайтган заҳотиёқ қўшимнига чиқдим. Мени кўрди-ю, юзи ёришди: - Келинг, акажон, хуш кўрдик. - Қиёмат кун қўшидан деганлар, ёрдамиз керак бўлиб қолди. - Минг йиллик қўшимиз-у, бирор марта у-бу илтимос қилганингизни эслолмайман. Хайрият, сизга ёрдамим тегадиган бўпти, мени хурсанд қилдингиз. - Онамизнинг кўзларини текширтирувчим, дўхтир танқисроқ дори буюрди. Номин

Бу - қизиқ

ҚОҒОЗДАН КОМПЬЮТЕР

Америкалик олим Брендон Макалус картон қоғоздан компьютер ясади. «Resopute» деб номланувчи мазкур компьютернинг корпуси гофрировка қилинган картондан ишланган. Бошқа компьютерлардан фарқли ўлароқ уни тайёрлашда металл ва пластикдан фойдаланилмаган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, арзон ва экологик тоза бундай компьютернинг хотираси икки гигабайтга тенг бўлиб, унга «Intel Core 2 Duo» процессори ўрнатилган. «Resopute» ёнғинга ҳам чидамли. Ўза.

Қулганга нима етсин

ЁҚТИРАДИ

- Менинг рафиқам тасвирий санъат асарларини жуда ёқтиради. - Омаднинг бор экан. - Нера? - Менинг хотиним тасвирий эмас, ҳамма нарсанинг ўзини хуш кўради.

БОРИБ НИМА ҚИЛАМИЗ?

Эр-хотин оромгоҳга бориб, дам олишга ҳозирлана бошлашди. Эр: - Болаларни нима қиламиз? - Бувисига олиб бориб берамиз. - Қўйларни-чи? - Қўй ва товуқларни опамларга, кучук ва мушукни акамларга қолдираимиз. Қелган мехмонлар учун эшикча: «Биз дам олишга кетдик», деб ёзиб қўямиз. Эр бир нуқтага тикилиб қолди. Хотин: - Ҳа, намунча хаёл суриб қолдингиз? - Шовқин-суронлар босиб, жимлик бўлар экан, узоқ жойга бориб нима қиламиз, уйда дам ола қолайлик.

АРОСАТ

- Бадавлат одамларга ўшаб яшаш бизнинг қўлимиздан келмайдики? - сўради хотини. - Ҳеч видоним қабул қилмайпти-да, - деди эр.

Чилонзор туманидаги «DOMBRABAD-NON» МЧЖга тегишли бўлган бурчак штампи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. ООО «GYUR» Учтепинско району г. Ташкента соообщает об уменьшении уставного фонда с 64 185 000 сумов до 61 185 000 сумов.

Утеранный гос. ордер № 05-01/11380 выданный 23.07.1993 г. права собственности на квартиру Марипходжаевой Мияссар, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Рассом хандаси



Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

Паркент тумани 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Рўзиматов Азизжон Яйловович номига берилган О'Р - SH № 0916976 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Дочернее предприятие «KINENSEN» Мирзо-Улугбекского району г. Ташкента (ИНН 300865514) сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 000 000 000 сумов до 100 000 000 сумов. Справки по тел.: 776-54-45.

ООО «VOFIRA MOBILE BIZNES» Юнусбадского району г. Ташкента (ИНН 30042964, ОКОНХ 71280) сообщает о своем переименовании в ООО «MARENGO CLEAR». Справки по тел.: 241-68-85.

Учтела тумани ҳоқимлиги савдо департаменти томонидан рўйхат рақами 1746, сериясы ЖШ 009464-сонли Хашимходжаев Хабибулла Хамидуллаевич номига берилган чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган рўхсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Дочернее предприятие «KINENSEN» Мирзо-Улугбекского району г. Ташкента (ИНН 300865514) сообщает о своей реорганизации в общество с ограниченной ответственностью «KINENSEN». Справки по тел.: 776-54-45.

Утеранный план квартиры, расположенный по адресу: г. Ташкент, С. Рахимовский район, ТашГосМи-2, д. 13, кв. 27, выданный на имя Қосимжановой Доно Утқуровны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Advertisement for 'ИЖ АВТО' (Izh Avto) cars. It features a photo of a car and text: 'ИЖ АВТО' РАСМІЙ ДИЛЕРИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. АРЗОН БЎЛМОҚДА. 1 йиллик КАФОЛАТ (20 000 КМ). Пул ўТҚАЗИШ йўли-турли. 'ИЖ АВТО' расмий дилери чегирмалар фасли бошланганлигини маълум қилади. Таклиф 2009 йил 15 март кунигача ҳақиқий. +ОСО СОВГА ҚИЛАДИ. 'SANAR' Х.К омборидан сотилади. Ваз-21041. Ташкент шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 54А. Тел.: 140-00-61/62, 110-41-43 (9.00-18.00).

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ўзлонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.